

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

«ОЁҚЛАРНИНГ ВАРИКОТРОМБОФЛЕБИТИ»

НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ

ТОШКЕНТ 2025



«КЕЛИШИЛГАН»

Республика шошилишч тиббий
ёрдам маркази директори

Алимов Д.А.

«_____» май _____ 2025 йил

«ОЁҚЛАРНИНГ ВАРИКОТРОМБОФЛЕБИТИ»

НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ

ТОШКЕНТ 2025

ОЁҚЛАРНИНГ ВАРИКОТРОМБОФЛЕБИТИ НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ

ХКТ-10/11 бўйича кодланиши:	Нозологик номланиши:	Нозология бўйича амбулатория шароитида ташхислаш ва даволаш учун жалб этиладиган мутахассислар		Нозология бўйича стационар шароитида ташхислаш ва даволаш учун жалб этиладиган мутахассислар	
		Асосий назорат қилувчи мутахассис	Қўшимча жалб этиладиган мутахассислар	Асосий назорат қилувчи мутахассис	Қўшимча жалб этиладиган мутахассислар
I 80.0	Оёқлар юзаки қон томирларининг флебитиди ва тромбофлебитиди	хирург	терапевт; гинеколог	Қон-томир хирурги	рентгенолог; ультратовуш диагностикаси шифокори; анестезиолог- реаниматолог;
BD70.0	Оёқлар юзаки тромбофлебитиди				терапевт; гинеколог; хирург; эндокринолог;

ОЁҚЛАР ВАРИКОТРОМБОФЛЕБИТИ НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТЕЗ ВА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Диагностик тадбирлар	Тиббий хизматлар номи	Теز ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Хизмат кўрсатиш ёки текширувни ўтказиш минимал сони	Даволаш муддати
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*				
		ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилинч ёрдам маркази	Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилинч ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази		
Асосий мутахассис (шифокор) маслаҳати	Шикоятлари ва анамнезини йиғиш	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	хар куни	2-4 кун
	Объектив кўрик	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	хар куни	
	Клиник-инструментал текширув			ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	хар куни	
	Хар куни шифокор-қон-томир хирург томонидан кузатув, боғлам алмаштириш, шунингдек			ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	хар куни	

	ўрта ва кичик тиббий ходимлар томонидан парваришlash							
--	--	--	--	--	--	--	--	--

Изоҳ: Оёқларда варикотромбофлебети бўлган беморларнинг бирламчи текшируви ОП/ОШП/КТМП да амалга оширилади. Оёқ юзаки вена томирларида яллиғланиш жараёнининг локализацияси тизза бўғимидан юқорида мавжуд бўлганда ёки оёқда кенг тарқалган шиш мавжуд бўлса, улар туманлараро шошилич тиббий ёрдам марказига юборилади, агар вилоят марказида бўлса – РШТЁИМнинг вилоят марказига, Тошкент шаҳрида эса РШТЁИМ га, 2-ТТА клиникасига беморлар дислокация бўйича (Шайхонтохур, Олмазор ва Юнусобод туманлари) юборилади. Кўрсатмаларга кўра, туманлараро шошилич тиббий ёрдам марказида даволанаётган беморлар санавиация орқали маслаҳатлашгандан сўнг РШТЁИМнинг вилоят филиалларига ўтказилади, веноз тромбоземболик асоратлари (ВТЭА) бўлган беморлар санавиация ёрдами ёки телемедицина орқали маслаҳатлашгандан сўнг ўтказилиши мумкин.

Мутахассис (шифокор) маслаҳати (кўшимча)	1. Рентгенолог	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	2. Ультратовуш диагностикаси шифокори	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	3. Анестезиолог-реаниматолог	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	4. Терапевт	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	5. Гинеколог	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	6. Хирург	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	
	7. Эндокринолог	-		ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	кўрсатма бўйича	

Изоҳ: - тор доира мутахассисларининг кўриги беморда кўшимча ёндош касалликлар аниқланганда ўтказилади;
- оёқ юзаки вена томирлари яллиғланиш жараёнининг локализацияси тизза бўғимидан юқорида ёки оёқда кенг тарқалган шиш мавжудлиги мурожаат вақтида ва / ёки таххислашда аниқланганда, шошилич жарроҳлик учун кўрсатмалар мавжуд бўлганда, тор мутахассисларнинг шошилич маслаҳати беморнинг аҳволига қараб амалга оширилади, операция шифохона шароитида амалга оширилади

Асосий лаборатор текширувлар	1. Қон умумий (клиник) таҳлили	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1-2 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	
	2. Пешоб умумий (клиник) таҳлили	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда	

							камида 1-2 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	
	5. Коагулограмма	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	

Изоҳ:

Қўшимча лаборатор текширувлар	1. Қон биокимёвий текширувлари	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	
--------------------------------------	---------------------------------------	---	---	------------	------------	------------	--	--

Изоҳ: беморга тор доира мутахассислари маслаҳати ўтказилгандан кейин ёндош касалликлари аниқланганда, тиббиёт муассасалари даражасидан келиб чиқиб мавжуд ва зарур бўлган лаборатор текширувлари ўтказилади.

Асосий инструментал текширувлар								
--	--	--	--	--	--	--	--	--

Изоҳ: варикотромбофлебит учун мажбурий текшириш усуллари мавжуд эмас, чунки клиник аниқлаш кўпинча катта қийинчиликларга олиб келмайди.

Қўшимча инструментал текширувлар	1. Рангли дуплекс сканерлаш	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	
	2. ЭКГ	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1	

							марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	
	3. Кўкрак қафаси рентгеноскопияси	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади	касаллик бўйича стационар даволанишда камида 1 марта ва/ёки кўрсатмага мувофиқ	

Изоҳ: қўшимча инструментал диагностика текшируви фақат ихтисослашган мутахассиснинг кўрсатмаларига мувофиқ ёки стационар даволаниш жараёнида амалга оширилади

ШОШИЛИНЧ СТАЦИОНАР ДАВОГА КЎРСАТМА

Диагностик тадбирлар	Тиббий хизматлар номи	Тез ва шошилинч ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Хизмат кўрсатиш ёки текширувни ўтказиш минимал сони	Даволаш муддати
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*				
		ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилинч ёрдам маркази	Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилинч ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази		
Бошқа турдаги текширувлар								

Изоҳ: туманлараро шошилинч тиббий ёрдам маркази стационарида даволанаётган беморлар, агар кўрсатмалар бўлса, санавиация орқали маслаҳатлашгандан сўнг, РШТЁИМнинг вилоят филиалларига ўтказилиши мумкин, веноз тромбоемболик асоратлари (ВТЕО) бўлган беморлар санавиация ёки телемедицина орқали маслаҳатлашгандан сўнг РШТЁИМга ўтказилиши мумкин.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАШ

Даволаш тадбирлари (асосий медикаментоз даво)		Тез ва шошилинч ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Ўртача суткалик дозировкаси	Бир курслик дозировка
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*				
Дори-воситанинг (халқаро патентланмаган) номи	Дори-воситанинг дозировкаси ва қўлланилиши	ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилинч ёрдам маркази	Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилинч ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази		
1. Диклофенак натрия	75 мг – 3,0 мл Мушак ичига	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	75 мг – 3,0 мл	75 мг – 3,0 мл
2. Ацетилсалицил	75 мг ёки 150 мг	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	75 мг ёки 150	Бемор ёши ва

кислотаси	Оғиз орқали						мг	вазнига боғлиқ равишда
-----------	-------------	--	--	--	--	--	----	------------------------

Изоҳ: асоратлар ривожланганида асорат турига қараб дори воситалари коррекция (тузатиш) қилинади. Белгиланган суткалик ва курслик дори воситалар дозаси, қон таҳлилига қараб, фармакологик қўлланмаларга кўра турли диапазонларга эга бўлиши мумкин.

Даволаш тадбирлари (қўшимча медикаментоз даво)		Тез ва шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Ўртача суткалик дозировкаси	Бир курслик дозировка
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*				
Дори-воситанинг (халқаро патентланмаган) номи	Дори-воситанинг дозировкаси ва қўлланилиши	ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилишч ёрдам маркази	Вилоят шошилишч тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилишч ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази		
1. Гепарин натрия ёки Эноксапарин натрия	Гепарин натрия 5000 МЕ ёки Эноксапарин натрия 4000-6000 анти-Ха МЕ Тери остига	-	-	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	Гепарин натрия 20000 МЕ ёки Эноксапарин натрия 4000-6000 анти-Ха МЕ	Бемор ёши ва вазнига боғлиқ равишда
2. Диосмин ва геспередин	диосмин 900 мг ва геспередин 100 мг. Оғиз орқали	-	-	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	диосмин 900 мг ва геспередин 100 мг	диосмин 900 мг ва геспередин 100 мг
3. Гепарин натрия (таркибида гепарин бўлган малҳамлар)	гепарин натрия - 100 000 МЕ. Ташқи-маҳаллий	-	-	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади	Яллиғланиш жараёнининг майдонига қараб	Яллиғланиш жараёнининг майдонига қараб

Изоҳ: асоратлар ривожланганида асорат турига қараб дори воситалари коррекция қилинади. Белгиланган дори воситаларнинг кунлик ва курслик дозалари қон таҳлиллари ва тромботик жараённинг ҳажмига қараб фармакологик қўлланмаларга кўра турли диапазонларга эга бўлиши мумкин.

ТЕЗ ВА ШОШИЛИШЧ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

Даволаш тадбирлари (оператив даво)	Тез ва шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*		
Жарроҳлик амалиёти/аралашув/муолажа номи	ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилишч ёрдам маркази	Вилоят шошилишч тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилишч ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази
1. Кроссэктомия	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади
2. Кичик тери ости венасининг оғзини боғлаш	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади

3. Уланувчи (перфорант) веналарни боғлаш	-	-	ўтказилади	ўтказилади	ўтказилади
Изоҳ: агар тромбоз чуқур тизимга ўтиш нуқтасига етса ёки тромбнинг " боши " чуқур вена томир бўшлиғида сузса, тери ости венасининг олд деворида бўйлама венотомия амалга оширилади ва тромбнинг учи Валсалва намунасининг баландлигида ретроград қон оқими яхши бўлгунга қадар олиб ташланади.					

ДАВОЛОВЧИ ОВҚАТЛАНИШ/ПАРҲЕЗ

Овқатланиш тартиби	Тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*		
	ТТЁ/ уй шароитида	ОП/ ОШП/ КТМП	Туманлараро шошилиш ёрдам маркази	Вилоят шошилиш тез тиббий ёрдам ИАТМ филиали	Республика шошилиш ва тез тиббий ёрдам ИАТ маркази
Парҳез столи ва унинг давомийлиги					
1. №15 стол (умумий). Бемор стационардан чиқарилгунча	-	-	қўлланилади	қўлланилади	қўлланилади
Изоҳ: ВТЭА хавфини бартараф этгандан сўнг, беморлар амбулатория шароитида даволаниш учун касалхонадан уйга чиқарилади.					

РЕАБИЛИТАЦИЯ

Реабилитация тадбирлари	Тиббий хизматлар номи	Уй шароитида	ОШП/ОП / КТМП	Стационар шароитида	Тадбирлар минимал сони	Реабилитация муддати
Мутахассис (шифокор) маслаҳати						
Изоҳ: оёқларнинг варикотромбофлебитидан кейин махсус реабилитация талаб қилинмайди. Тромбозланган юзаки вена томирлар соҳасидаги аломатлар ва муҳрлар бир неча ой (6 ой ёки ундан кўпроқ) давом этиши мумкин.						
Лаборатор текширувлар						
Изоҳ:						
Инструментал текширувлар						
Изоҳ:						
Оёқларда ўтказилган варикотромбофлебит кузатувни талаб қилмайди, аммо ўткир яллиғланиш жараёнининг регрессиясидан кейин варикоз кенгайган вена томирларини йўқ қилиш учун даволаш имкониятини кўриб чиқиш керак.						
Реабилитацион усуллар						
Изоҳ:						
Даволаш тадбирлари (медикаментоз даво)						
Дори-воситанинг (халқаро патентланмаган) номи	Дори-воситанинг дозировкаси ва қўлланилиши	Уй шароитида	ОШП/ОП / КТМП	Стационар шароитида	Ўртача суткалик дозировкаси	Бир курслик дозировка
1. диосмин 900 мг ва геспередин 100 мг	Таблеткалар, диосмин 900 мг ва геспередин 100 мг. Оғиз орқали.	-	ўтказилади	-	Бемор ёши ва вазнига боғлиқ равишда	60 таблетка
2. гепарин натрия малхами	Тюбик, гепарин натрия - 100 000 МЕ. Тери остига.	-	ўтказилади	-	Бемор ёши ва вазнига боғлиқ равишда	1-2 тюбик

3. ацетилсалицил кислотаси	Таблеткалар, 75 ёки 150 мг. Бемор ёши ва вазнига боғлиқ равишда. Оғиз орқали.	-	ўтказилади	-	Бемор ёши ва вазнига боғлиқ равишда	30 таблетка
Изоҳ: кўрсатилган дори воситалар амбулатория шароитида, реабилитация даврида қўлланилади. Яллигланиш ва тромботик жараённинг оғирлигига қараб, давомийлиги 1 ойдан 6 ойгача.						

РШТЁИМ қон-томир ва микрохирургия
бўлими рахбари, т.ф.д.

РШТЁИМ қон-томир ва микрохирургия
бўлими шифокори, т.ф.н.

РШТЁИМ жарроҳлик трансплантацияси
бўлимининг қон-томир жарроҳи, PhD

Муминов Ш.М.

Хамидов Б.П.

Ким Д.Л.